2015 йил 20 ноябрь, жума № 45 (558)

Узбекистон Республикаси Олий судининг хукукий газетаси

http://www.oliysud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Шу кунларда мамлакатимизда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроги тўгрисида"ги қонун қабул қилинганининг 24 йиллиги кенг нишонланмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, озод Узбекистон фукаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари — Давлат герби, байроғи, мадхияси азиздир.





### ОЗОДЛИГИМИЗНИНГ МУКАДДАС РАМЗИ MYCTAKUAAMITHMH3 BA

воситасидир.

Давлат байроги мамлакат мустакиллигини белгиловчи тимсоллардан биридир. У давлатнинг тузумини, халкнинг менталитетини, иктисодий асосларини ва бошка мухим белгиларини англатади. Узбекистон Республикаси Конституциясининг 5моддасига кура, Узбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроги, герби ва мадхиясига эга.

Хақиқатан ҳам, давлатимиз рамзлари, хусусан, байрогимиз ҳар биримиз учун муқаддасдир. Чунки у халқимиз тарихи, бугуни ва келажагини ўзида мужассам этган ёркин тимсолимиз хисобланади. Давлат рамзларини хурмат қилиш ҳар биримизнинг фукаролик, фарзандлик бурчимиздир. Улар қалбимизни ғурур-ифтихорга тўлдириб, бизга элу юрт манфаати барча нарсадан устунлигини, шу юртнинг фарзанди эканимизни англатиб туради.

Юртдошларимиз, хусусан, ёшларда Ватанга мухаббат, миллий гурур, истиклол гояларига садокат туйгуларини мустахкамлашда, уларни миллий анъана ва қадриятларимизга хурмат рухида тарбиялашда миллий давлатчилигимизнинг улугвор тимсоллари, айникса, мухим ахамиятга эга.

Ватанимизнинг давлат рамзлари халкимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, шу юртда яшовчи хар бир фукарога гурур, фахр-ифтихор бағишлайди. Хусусан, давлатимиз байроги халқаро микёсда мамлакатимиз обру-эътиборини, юртдошларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, истиклол гояларига садокат туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлмокда.

Бинобарин, миллий тимсолларимизнинг хар бири ана шу буюк гояга,

миллий гуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири - катта бир дарслик, кучли тарбия

Тарихдан маълумки, байрок Ватан тимсоли, эркинлик ва озодлик рамзи сифатида хамиша азиз ва мукаддас хисобланган. Масалан, юрт байрогини ёв кулига топширишни истамаган Нажмиддин Кубро қахрамонликлари халқимизнинг қалбидан чуқур жой эгаллаган. Ватан байрогини жонидан ортиқ асраган Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби улуг саркардаларимиз ҳаёти ҳам бугунги авлод учун ибрат вазифасини ўтамокда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок давлат рамзларини яратишга киришилди. Хусусан, 1991 йил 18 ноябрда "Узбекистон Республикасининг Давлат байроги тўгрисида"ги қонун қабул қилинди. Ушбу

хужжатнинг иккинчи ва учинчи моддаларида байрогимиз Узбекистон Республикаси Давлат суверенитети рамзи эканлиги, халқаро муносабатларда Узбекистон Республикасининг

тимсоли бўлиши белгилаб қўйилган. Иигирма тўрт йилдирки, Давлат байроги халкаро микёсда мамлакатимиз обру-эътиборини, юртдошларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, истиклол гояларига садокат туйгуларини мустахкамлашда мухим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргохида хилпираб турган байроқлар орасида Узбекистон Республикасининг Давлат байроги хам борлиги қалбимизда ғурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Шу юрт, шу муқаддас замин фарзанди эканимиздан фахрланамиз.

(Давоми тўртинчи бетда)

# ONN MAXMEN CEHATH KEHRALINHWHI Mamanch Tüfphchaa axbopot

2015 йил 19 ноябрь куни Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н.Иўлдошев олиб борди.

Кенгаш Тошкент шахрида Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисини шу йилнинг 3 декабрь куни чақириш тўгрисида қарор қабул килди.

Сенат ялпи мажлисининг мухокамасига ахоли турмуш даражасининг янада оширилишини ва унинг ижтимоий химоя килиниши кучайтирилишини, иктисодиетнинг юкори хамда барқарор суръатларини, ахоли бандлигини таъминлашни назарда тутувчи Узбекистон Республикасининг 2016 йилги Давлат бюджети тўгрисидаги, шунингдек, 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва ахоли бандлигини таъминлаш дастури тўгрисидаги масалаларнинг киритилиши режалаштирил-

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига мамлакат сиёсий ва ижтимоий-иктисодий хаётининг барча сохаларини боскичма-боскич ислох килишга ва эркинлаштиришга, Узбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган тузатишларни амалга оширишга қаратилган Узбекистон Республикасининг қатор қонунлари киритилмокда. "Электрон хукумат тўгриси-

да"ги, "Узбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиклаш тўгрисида"ги, "Узбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги тахрири) қабул қилиниши муносабати билан Узбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қушимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўкотган деб топиш тўгрисида"ги, "Ветеринария тўгрисида"ги (янги тахрири), "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўгрисида"ги (янги тахрири), "Узбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўгрисида"ги қонунлар ҳамда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришни, давлат қурилиши асосларини мустахкамлашни, инвестиция имкониятлари ва ишбилармонлик мухитини яхшилашни, тадбиркорликни ривожлантиришни, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали ривожлантиришни, ахолининг хаёти ва саломатлиги қуриқланиши таъминланишини, суд-хукук сохаси такомиллаштирилишини назарда тутувчи қонунлар шулар сирасидандир.

(Давоми иккинчи бетда)

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi gabul gilinganligining 23 yilligiga

# ASKACHSANINHHIT

Аввало шуни айтиш керакки, Асосий Қонунимиз — Узбекистон Республикаси Конституциясида хусусий мулк институтининг хукукий асосларига тамал тоши қуйилди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, хусусий мулк дахлсизлиги, унинг хукукий макоми, давлат томонидан химоя килиниши конституциявий асосда эътироф этилгани юртимизда хусусий мулкка эътибор нечоглик юксак эканидан яққол

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

далолатдир.

### MUNHM



Урганчда "Суд қарорлари ижроси — жазо муқаррарлигини таъминлаш, фукароларнинг хукук ва манфаатларини самарали химоя килишнинг мухим омили" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Жиноят ишлари бўйича

Хоразм вилояти суди та-

шаббуси билан ташкил этилган семинарда жиноят ва фуқаролик ишлари буйича вилоят судининг судьялари, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси масъул ходимлари иштирок этди.

(Давоми иккинчи бетда)

Saboq

Иктисодиётимизнинг мухим таянчига айланиб бораёттан тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит таъминлаб берилмокда. Айникса, соха вакиллари фаолиятини текшириш тизими тубдан такомиллашмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсикларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўгрисида"ги фармони шу мақсадга хизмат қилаётир.

Фармонга мувофик текширишлар ўтказиш тартиби, режали текширишлар даврийлиги, текшириш ўтказиш муддати тубдан такомиллашди. Текширишлар ўтказиш муддатини камайтириш ва такрорий текширувларнинг олдини олиш максадида уларнинг даврийлиги бирхиллаштирилди. Натижада тадбиркорлик субъектларида ўтказилаётган текширишлар янада қисқарди.

- Текширишларнинг камайгани тадбиркорларнинг вактини бехуда олиш, кайфиятига салбий таъсир кўрсатиш каби холатларга бархам бериб, уларнинг самарали фаолият юритиши учун янада кенг имкониятлар яратаётир, — дейди Узбекистон Республикаси Давлат солик кумитаси бошкарма бошлиги, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувокенгаши котиби Эркин Жўраев. — Кенгаш томонидан тадбиркорлик субъектларида ўтказилаётган текширишлар доимий назоратга олинган. Кенгаш хузурида Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси вакилларидан иборат ноконуний текширишларни ўрганиб бориш бўйича ишчи гурух ташкил этилган. Мазкур гурух томонидан хар ой якуни бўйича аникланган ноқонуний текширишлар мониторинги юритилмокда. Назорат қилувчи органларнинг ноконуний текшириш ўтказган мансабдор ходимлари ва тузилма рахбарларини жавобгарликка тортиш бўйича тегишли вазирлик ва идораларга такдимномалар киритилмокда.

фиклаштирувчи республика

(Давоми учинчи бетда)

Истиклол йилларида мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бу соҳа вакиллари эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароитларни муҳайё этишга алохида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорликнинг ривожланиши давлатнинг иқтисодий барқарорлигига ҳамда халқ фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Qonun ko`magi


## Wapthoma uhtusomu

унга амал қилиш тадбиркорлик ривожининг мухим омилидир

Шу ўринда айтиш жоизки, тадбиркорлик фаолиятининг асосини шартномавий муносабатлар ташкил этади. Нега деганда, хар бир тадбиркор хар қандай муносабатга албатта, шартнома орқали киришади. Бунда шартнома эркин бозор иктисодиёти шароитида тадбиркорларнинг тенг хукуклигини таъминловчи ягона восита хисобланади.

Шартномаларнинг ижросини таъминлаш ва хукукий механизмини белгилаш максадида мустакилликнинг дастлабки йиллариданок сохани тартибга солувчи конун хужжатлари қабул қилинди. Хусусан, Фукаролик кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида"ги қонун шулар жумласидандир.

Ушбу қонун ҳужжатларида шартнома тушунчаси, тарафлар ўртасида шартномалар тузиш ва унинг бажарилиши, мажбуриятлар бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлигини тартибга солишга оид хамда бошка асосий қоидалар белгилаб берилган. Шунингдек, ушбу хужжатларда хўжалик юритувчи



субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатларда давлат органларининг асосий вазифалари хам назарда тутилган.

Мисол учун "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида"ги қонуннинг 8-моддасига асосан. махаллий давлат хокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида бир қатор чоратадбирларни куради. Яъни давлат эхтиёжлари учун товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш шартномаларини, шунингдек, контрактация шартномаларини тузиш ва

бажариш ишларини мувофиклаштириб бориш шулар жумласидандир.

Шунингдек, ушбу қонуннинг 9-моддасига кўра, давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида хўжалик шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатади. Хўжалик шартномалари ҳамда уларни бажаришнинг ахволи тўгрисидаги статистика маълумотларини умумлаштиради. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган холларда хўжалик шартномаларининг бажарилиш жараёнини назорат килиб туради.

(Давоми учинчи бетда)

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу билан бирга, навбатдаги ялпи мажлисда сенаторлар Узбекистон Республикаси Бош прокурорининг конунийликни мустахкамлаш, фукаролар ва тадбиркорлик субъектларининг хукук хамда конуний манфаатлари химоясини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тугрисидаги хисоботини мухокама қиладилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиси Сенатининг ваколатига тааллукли бошка масалалар хам кўриб чикилади.

2015 йил 20 ноябрь

Олий Мажлис Сенати қумиталарининг ва Девонининг тўртинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш хамда уни ўтказишга доир ишларини мувофиклаштириш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гурух тузилди.

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

#### Mulogot

### Cabon Genuur, marof fenamus

Илтимос, ёшга доир ва ногиронлик пенсияларини тайинлаш муддатлари ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

Акром ТУРДИЕВ,

Қашқадарё вилояти, Косон тумани

— "Фукароларнинг давлат пенсия таъминоти тугрисида"ги конуннинг 47-моддасида пенсиялар тайинлаш муддатлари кўрасатилган. Ушбу модда талабига мувофик, пенсиялар куйидагича белгиланади.

а) ёшга доир пенсия агар пенсия олиш хукуки пайдо бўлган кундан бошлаб уч ой ичида уни сўраб мурожаат этилган бўлса, пенсия ёшига тўлган кундан эвтиборан тайинланади. Ушбу пенсия умрбод тайинланади;

б) ногиронлик пенсияси

 агар ногиронлик белгиланган кундан бошлаб уч ой ичида пенсия сўраб мурожаат этилган бўлса, Туман мехнат эксперт комиссияси (ТМЭК) ногиронликни белгилаган кундан эътиборан тайинланади. Ушбу пенсия бутун ногиронлик даври учун тайинланади. 60 ёшдан ошган эркак ва 55 ёшдан ошган аёл ногиронларга ногиронлик пенсиялари умрбод тайинланади. Ана шу ногиронларни қайта тиббий кўрикдан ўтказиш фақат уларнинг аризасига биноан

Фукаро қандай холларда етказилган зарарнинг тўлик копланишини талаб килиши мумкин?

ибодат ШЕРАНОВА, Жиззах вилояти, Зарбдор тумани

амалга оширилади.

 Фукаролик кодексининг 14-моддасига асосан, агар қонун ёки шартномада зарарни камрок микдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, хукуки бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин. Зарар деганда, хукуки бузилган шахснинг бузилган хукукини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўколиши ёки шикастланиши (хакикий зарар), шунингдек, бу шахс

ўз хукуклари бузилмаганида одатдаги фукаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Агар хукукни бузган шахс бунинг натижасида даромад олган булса, хукуки бузилган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойда бундай даромаддан кам булмаган микдорда туланишини талаб қилишга ҳақли.

Суд буйруги қандай хужжат хисобланади? Масалан, талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинганлиги суд буйруғи чиқаришга асос бўладими?

Обид НАИМОВ,

Тошкент шахри, Учтепа тумани

— Саволингизга жавобан шуни айтиш мумкинки, Фуқаролик-процессуал кодексининг 2381-моддасига асосан, суд буйруги асосида қарзни ундириш мумкин. Хусусан, суд буйруги - ундирувчининг пул маблагла-TŸFундириш рисидаги ёки кўчар молмулкни низосиз талаблар буйича қарздордан талаб килиб олиш тўгрисидаги аризаси бўйича судья судда ишни кўрмасдан чикарган хужжатдир.

Суд буйруги ижро хужжати кучига эга. Суд буйруги буйича ундирув буйрук берилганидан кейин ва суд карорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мазкур кодекснинг 2382моддасида суд буйругини чикариш бўйича талаблар келтирилган бўлиб, суд буйруги куйидаги холларда чикарилади:

1) талаб нотариал тасдикланган битимга асосланган бўлса; 2) талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, шу жумладан, агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳакидаги талаб арз килинган булса; 3) вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш хакидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боглик булмаган талаб арз килинган бўлса; 4) хисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш хакини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш хакидаги талаб арз қилинган булса; 5) фукаролардан соликлар ва бошка мажбурий тўловлар бўйича ундириш қарзларни хакидаги талаб арз килинган булса.

Саволларга фукаролик ишлари буйича Тошкент вилояти суди судьяси Сайёра КОШАЕВА жавоб берди.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу, ўз навбатида, мулкдорларга хусусий мулклари билан боглиқ бўлган, қонунда тақиқланмаган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш имконини беради. Яъни хусусий мулк эгаси бўлган шахс ўзида мавжуд бўлган ишбилармонлик, таваккалчилик сифатларини амалга ошириши учун кенг йўл очилди. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, хусусий мулкнинг таркиб топиши ва фақат бозор муносабатларига ўтишгина бугунги кунда инсоннинг ижодий ва мехнат имкониятларини кенг очишга, жамиятимизда бокимандачиликни бартараф этишга, мулкка эгалик хиссини қайта тиклашга қодир.

Шу ўринда рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, ишбилармонлик мухитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни хар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рагбатлантиришни янада кучайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар биргина жорий йилнинг туккиз ойида 21,4 мингта янги кичик бизнес субъектини ташкил этиш имконини берди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6 фоиз кўпдир.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида кичик бизнеснинг ялпи ички махсулотдаги улуши — 53,6 фоизгача (2014 йилнинг шу даврида 52,9 фоиз бўлган), саноатда — 34,6 фоизгача (31,1 фоиз), пуллик хизматларда — 49,3 фоизгача (47 фоиз) ва бандликда — 77,5 фоизгача (77,1 фоиз) ошди.

Бу каби ютуқлар, шубҳасиз, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданок хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш ва хусусий мулкни давлат томонидан химоя килиш масаласига жиддий эътибор қаратиб келинаётгани самараларидир.

Хусусан, хусусий мулк ўз мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хукукидан иборат экани, хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва давлат химоясидалиги "Узбекистон Республикасида мулкчилик тўгрисида"ги қонунда илк бор аниқ белгиланган бўлса, 1992 йилда қабул қилинган Конституциямизнинг 53-моддасида юқорида қайд этилган нормалар янада ривожлантирилди. Бош қомусимизда хусусий мулкнинг бошка мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат химоясида экани, мулкдор факат қонунда назарда тутилган қолларда ва тартибдагина мулкидан махрум этилиши мумкинлиги қатьий мустаҳкамланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка зарур шароит ва имтиёзлар яратиб бериш бўйича хам кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмокда.

Бунда асосий эътибор хусусий мулк дахлсизлиги ва химоясини хукукий жихатдан таъминлашга қаратилмоқда. Чунончи, 2012 йил 24 сентябрда "Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар хукукларининг кафолатлари тўгрисида"ги қонун қабул қилиниб, унда хусусий мулк дахлсизлиги ва хукукий химоясига оид катор нормалар белгиланди.

Эътиборли жихати шундаки, бевосита хусусий мулк дахлсизлиги ва хукукий химоясига бағишланган бундай

давлатлар қонунчилиги таж-

Мазкур қонунда мулкдор ўз

мол-мулкига нисбатан қонунга

зид бўлмаган ҳар қандай ҳара-

катларни бажаришга ҳақлили-

ги қатъий норма сифатида

органи ва бошка органлар

ёки фукаролар ўзини ўзи

бошкариш органининг хужжа-

тини хакикий эмас деб то-

пиш; хусусий мулк хукукини

мулкдорнинг ўзи химоя кили-

ши; бурчни аслича (натура)

бажаришга мажбур қилиш; за-

рарнинг ўрнини қоплаш; маъ-

навий зиённи қоплаш; хусу-

сий мулк хукуки муносабатла-

рини тартибга солишда қонун

хужжатлари барқарорлигини

таъминлаш назарда тутилган.

Бундан ташқари давлат орга-

нининг ва бошка органнинг

ёки фукаролар ўзини ўзи бо-

шкариш органининг конунга

зид бўлган хужжатининг суд

томонидан қўлланилмаслиги;

мол-мулкнинг айрим турлари-

га бўлган хусусий имулк

хукукининг вужудга келганли-

ги, ўзгарганлиги ва бекор

қилинганини давлат руйхати-

дан ўтказиш сингари усулла-

Маълумки, давлат мулкини

хусусийлаштириш хусусий

мулк вужудга келиш усуллари-

дан бири хисобланади. Бун-

да давлат мулкини хусусий-

лаштириш натижасида вужуд-

га келган мулкнинг дахл-

сизлигини қатъий белгилаш

мақсадида юқорида қайд

этилган қонунда давлат мулки-

ни хусусийлаштириш жараё-

нида вужудга келган хусусий

мулк дахлсизлиги, хусусий-

лаштириш натижалари қайта

кўриб чикилмаслиги ва бекор

қилинмаслиги мустаҳкамлаб

ри қайд этилган.

Конунда, шунингдек, давлат

рибасида учрайди.

белгилаб қўйилди.

қуйилди.

Уз навбатида, бугунги кунда мазкур нормани амалга ошириш, яъни давлат мулкини хусусийлаштириш йўли билан хусусий мулкни вужудга келтириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмокда. Хусусан, иктисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш мақсадида Президентимизнинг 2015 йил 28 апрелда қабул қилинган "Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва ахамиятини ошириш чора-тадбирлари тўгрисида"ги қарори билан давлат акцияларининг 411 па-

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 23 yilligiga

KUKUKHK Kadonath

улуши, шунингдек, 836 бўш

турган ва фойдаланилмаётган

объектлар, жумладан, 512

объект инвестиция мажбури-

ятларини қабул қилиш шарти

билан "ноль" харид қиймати

буйича ошкора савдоларда

сотиш чоралари тасдикланди.

ойи давомида давлат акция-

ларининг 204 та пакети сав-

дога қуйилди. Улардан хусусий

мулкдорларга акцияларнинг

38 пакети сотилди. Айни чоғ-

да 324 бўш турган ва фойда-

ланилмаётган давлат мулки

объектининг 88 таси ошкора

эътибор мулкдорларнинг мулк

хукукларини бузилишининг

олдини олишга қаратилмоқда.

Хусусан, 2015 йил 20 августда

қабул қилинган "Узбекистон

Республикасининг айрим қо-

нун хужжатларига хусусий мул-

кни, тадбиркорлик субъектла-

рини ишончли химоя килиш-

ни янада кучайтиришга, улар-

ни жадал ривожлантириш

йўлидаки тўсикларни барта-

раф этишга қаратилган узгар-

тиш ва қушимчалар киритиш

тўгрисида"ги қонун ҳам айнан

Маъмурий жавобгарлик тўгри-

сидаги, Жиноят, Фукаролик,

Ер ва Уй-жой кодексларига

бевосита хусусий мулк хукуки

химояси механизмини таъ-

минловчи бир қатор ўзгартиш

ва қушимчалар киритилди.

Жумладан, Маъмурий жавоб-

гарлик тўгрисидаги кодекс

"Хусусий мулк хукукини бу-

зиш" деб номланувчи 2411-

Бунда назорат килувчи,

хукукни мухофаза килувчи

хамда бошқа давлат органи-

нинг ва давлат ташкилотининг

модда билан тулдирилди.

Чунончи, ушбу қонун билан

шу мақсадни кўзлайди.

Кейинги йилларда асосий

савдоларда сотилди.

Шу асосда 2015 йилнинг 9

MUNK AAKNCH3NHFHHHIF

мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан хусусий мулкдорларнинг хукукларини бузиш йўли билан уларга зарар етказиш, яъни мулк хуқуқини қонунга хилоф равишда чеклаш ва (ёки) ундан махрум қилиш, хусусий мулкка тажовуз қилиш, номақбуллиги олдиндан аён бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан, молмулкни ёки мулкий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш, шунингдек, мулкдорнинг мулкини олиб қўйиш ёхуд уни ўз молмулкига бўлган хукукидан воз қонун камдан-кам хорижий кети ва хужалик жамиятлари кечишга мажбурлаш, ана шун-

дай харакатларни содир эт-

ганлик учун оз микдордаги

талон-торож аломатлари мав-

жуд бўлмаган тақдирда маъ-

мурий жавобгарликка торти-

Шу билан бирга, ушбу ко-

декс янги 24111-модда билан

хам тўлдирилиб, унга биноан

кўчмас мулкни бузиб ташлаш

тартибини бузиш, яъни олиб

қўйилаётган ер участкасидаги

тадбиркорлик субъектларига

тегишли биноларни, бошқа

иморатларни, иншоотларни

ёки дов-дарахтларни зарар-

нинг ўрнини мазкур мол-мулк-

нинг бозор қиймати буйича ол-

диндан ва тўлик копламаган

холда бузиб ташлаш учун хам

маъмурий жавобгарлик белги-

ланди. Бундан ташқари ушбу

кодекснинг 27-моддасига хам

тегишли ўзгартишлар кирити-

либ, бунда маъмурий хукукбу-

зарликни содир этиш куроли

ёки бевосита шундай нарса

бўлган ашёнинг фақатгина суд

томонидан мусодара қилини-

ноят кодекси янги, "Хусусий

мулк хуқуқини бузиш", деб

номланувчи 1921-модда билан

тўлдирилди. Бунда назорат

қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза

қилувчи хамда бошқа давлат

органларининг ва давлат таш-

килотларининг мансабдор

шахси ёки хизматчиси томо-

нидан хусусий мулкдорларнинг

хуқуқларини бузиш йўли би-

лан уларга зарар етказиш,

яъни мулк хукукини конунга

хилоф равишда чеклаш ва

(ёки) ундан махрум этиш, ху-

сусий мулкка тажовуз қилиш,

номақбуллиги олдиндан аён

бўлган шартларни мулкдорга

мажбуран қабул қилдириш, шу

жумладан, мол-мулкни ёки

мулкий хукукларни топшириш-

Яна бир мухим жихат — Жи-

ши қатъий белгиланди.

лиши назарда тутилган.

ни асоссиз равишда талаб қилиш, шунингдек, мулкдорнинг мулкини олиб қўйиш ёхуд уни ўз мол-мулкига бўлган хукукидан воз кечишга мажбурлаш, талон-торож аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилиши кўзда тутилган.

Қайд этиш жоизки, мулкий муносабатларда кўчмас мулклар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бунда кўчмас мулк ўзининг хукукий табиати ва киймати жихатдан хам бошка мулклардан ажралиб туради. Шу сабабли ҳамда мулкдорнинг мол-мулкини бевосита олиб қўйишга қаратмаган холда мулк хукукининг бекор қилиниши билан боғлиқ муносабатларни такомиллаштириш мақсадида Фуқаролик кодексининг 206-моддаси олиб қуйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки экинларни бузиб ташлашга зарарларнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўлик коплангунига қадар йўл қўйилмаслигини назарда тутувчи алохида норма билан тўлдирилди.

Қолаверса, мулкдорга олиб қуйилган мол-мулкка тенг молмулк берилиши ва у кўрган бошқа зарарларнинг ўрни қопланиши ёки мулк хукуки бекор қилиниши туфайли етказилган зарарнинг ўрни тўла хажмда қопланишини таъминлаш мақсадида Уй-жой кодексининг 31-моддаси уйлари (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фукаролар ва юридик шахслар учун уларнинг танлови бўйича янги жойда тенг қийматли уйлар, иморатлар барпо этилиши хамда уларга мулк қилиб берилиши, бунда кўчириб ташланаётган дов-дарахтларнинг бозор киймати, шунингдек, олиб қуйилаётган ер участкасига бўлган хукукнинг бозор киймати берилаётган ер участкасига бўлган хуқуқнинг бозор қийматидан ортик бўлган такдирда берилаётган ва олиб қўйилаётган ер участкаларига бўлган хукукларнинг бозор кийматлари ўртасидаги фарқ пул билан тулиқ ҳажмда қопланиши тўгрисидаги норма билан бойитилди.

Гувох бўлганимиздек, Конституциямизда ва амалдаги қонун ҳужжатларида хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва хукукий химоясини таъминлаш механизми билан боглик нормалар тўлик ўз ифодасини топган бўлиб, бу ўз навбатида, мулкдорлар ҳамда хусусий мулк эгалари ҳуқуқларини самарали амалга оширишнинг хукукий кафолати сифатида

хизмат қилмоқда. Улугбек АЛОЕВ, Юристлар малакасини ошириш маркази ТИНГЛОВЧИСИ

Xabar

### UCTUBODAMINHHHI MUNUMM

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимиз рахнамолигида мамлакатимиз суд-хукук тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, аввало, суд хокимияти мустақиллигини мустахкамлаш, суд химояси самарадорлигини янада оширишга қаратилган. Суд қарорларининг ўз вақтида ижро этилиши суд ва ижро органининг нуфузини ошириш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш билан бирга, фукароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини самарали химоя килишга хизмат қилади.

Тадбирда суд қарорларининг қонунда белгиланган муддатларда тўлик ижро этилишини таъминлаш, мунтазам тахлил килиб бо-

риш, ижро этиш жараёнида йўл қуйилган камчиликлар ва уларни бартараф этишда прокурор назорати хамда судьяликка номзодлар захирасини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавзуларида маърузалар тингланди.

Иштирокчилар мухокама этилган масалалар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Ehtiyot bo'ling, firibgar!

Уз мухбиримиз

Мамлакатимизда халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, унинг саломатлиги ва ҳаёти ҳавфсизлигини асраб-авайлашга устувор аҳамият қаратилмоқда. Чунончи, фаровон ва осуда ҳаётимизга рахна солувчи жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар алохида эътиборга молик. Биргина фирибгарлик хусусида тўхталадиган бўлсак, бу иллат ўзгаларга моддий ва маънавий зарар етказиши билан хавфли саналади.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, амалдаги Жиноят кодексининг 168-моддасига мувофик, айбдор томонидан била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлгон маълумотлар хабар қилиш ёки иш холати бўйича мулк эгаси ёки бошка шахсга маълум килиниши лозим бўлган хакикий фактларни яшириш ёхуд мулк эгаси ёки бошка шахсни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган харакатлар фирибгарлик деб аталади.

Шунингдек, фирибгарлик жинояти ишончни суиистеъмол қилиш орқали ҳам содир килиниши мумкин. Яъни айбдор мулк эгаси ёки учинчи шахсларга бериб юбориш тўгрисида қарор қабул қилишга ваколатли бўлган бошка шахслар билан бўлган ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадда фойдаланиб, жиноий килмишни амалга оширади.

Агар фирибгарлик йўли билан талон-торож қилинган корхона, муассаса, ташкилотлар мулки суммаси энг кам ойлик иш хаки микдорининг ўттиз бараваридан ошмаса, маъмурий жавобгарлик юзага келади. Бундай хукукбузарлик такроран содир этилганда хам агар талон-торож микдори энг кам ойлик иш хаки микдорининг ўттиз бараваридан ошмаса, маъмурий жавоб-

гарликка сабаб бўлади. Яъни бунда оз микдорда талон-торож неча марта содир этилганлиги бирон-бир ахамият касб этмайди.

Бундан ташқари фирибгарлик жинояти қалбаки хужжатдан фойдаланган холда хам содир этилиши мумкин. Бундай холатда жиноий қилмиш сохта хужжат ким томонидан тайёрланган ёки сохталаштирилганлигидан келиб чикиб, жиноятлар мажмуи тарзида Жиноят кодексининг 168-моддаси ва 228-моддасининг тегишли

кисми билан малакаланади. Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, Б.Ибра-(исм-шарифлар ўзгартирилган) тадбиркорлик фаолиятини йўлга қуйиб, Фаргона вилоятининг Риштон туманида "Рангли бўёқ" хусусий фирмасини ташкил этади. У ўз фаолиятини 2009 йилгача давом эттиради. Кейинчалик эса, ушбу фирмани таниши Ю.Мансуровга сотиб юборади.

Ю.Мансуров эса, корхонани сотиб олгач, уни синглиси М.Маърупованинг номига расмийлаштиради. Шундан сўнг ушбу корхона анча пайт фаолият юритмайди.

Б.Ибрагимов фирма фаоюритмаётганини кўриб, кўнглида гараз ният пайдо бўлади. Яъни у бундан ўзининг чиркин максади йўлида фойдаланиб

қолишни кўзлайди. Шу мақсадда у М. Маърупованинг ишончига киради ва унга фирма фаолиятини юритиб туришни таклиф қилади. М. Маърупова ҳам айни пайтда корхона фаолиятини йўлга қўйишга имконияти йўклигини ўйлаб, унинг таклифига рози бўлади.

Шундан сўнг Б.Ибрагимов гараз максадини амалга оширишга киришади. У корхона гарчи М.Маърупованинг номига расмийлаштирилган бўлса-да, қалбаки хужжатлар асосида Миллий банкнинг Риштон тумани бўлимидан 80 миллион сўм кредит олади. Банкдан олган кредит маблаги учун хусусий фирманинг бино ва иншоотларини гаровга қўяди.

Инсон манфаатлари, хукук ва эркинликларини таъминлаш истиклол йилларида юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсадига айланди. Асосий қонунимизнинг 13-моддасида белгилаб қуйилганидек, Узбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Мамлакатимизда суд-хуқуқ тизимини чукур ислох этиш хамда либераллаштириш хаётнинг барча сохасини модернизация қилиш ҳамда янгилаш сиёсатининг устувор йўналишларидан бири хисобланади. Зеро, бу инсонпарвар демократик хукукий давлат ва кучли фукаролик жамиятини шакллантириш, қонун устуворлиги, унинг олдида барча фуқаролар тенглигини таъминлашнинг мухим шарти сана-

Суд-хукук сохасини ислох қилиш, хусусан, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини бугунги талаб даражасида такомиллаштириш, суд тизимини ижро этувчи хокимият органлари назорати ва таъсиридан чикариш хамда суд жараёнида томонлар тортишуви принципини қўллаш механизмини ривожлантиришга қаратилган кенг куламли ишлар амалга оширилиб, салмокли ютуклар қулга киритилмокда.

Уз навбатида, айтиш жоизки, суд-хукук ислохотлари жараёнида прокурор ва адвокат тенглиги, жиноят хамда фукаролик ишлари бўйича суд процессининг барча боскичида тортишувни таъминлаш, одил судлов сифати ва тезкорлигини ошириш буйича амалга оширилган чоратадбирлар мухим ахамият касб этади.

Узбекистонда жиноят ва фукаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча боскичларида ўзаро тортишув принципининг жорий этилиши хам инсон хукукларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу эса, адвокатура институтини тубдан ислох қилиш, фукароларнинг химояланиш хукуки кафолатларини кучайтириш самараларидандир. Зеро, кучли ва мустақил адвокатура тизими - инсон хукуклари, эркинлиги ва конуний манфаатларини самарали химоя килиш механизмларидан биридир.

Айникса, 2008 йил 31 декабрда "Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Узбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўгрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши бу борада гоят мухим ахамият касб лат органлари ва мансабдор шахсларнинг рухсатисиз, учрашувлар сони ва давом этиш вақти чекланмаган қолда холи учрашишга ҳақли. Ҳимоячига иш билан танишиш жараёнини тезлатиш ва қисқартиш хамда уни сифатли ўрганиш учун унга замонавий техника воситаларидан фойдаланиш хуқуқи берилди.

Жиноят процессида химоячининг хакикий мустакиллигига эришиш мақсадида химоячи томонидан ишда иштирок этишга рухсат бериш ҳақидаги ёзма тасдик хамда химоя

қонуний мустаҳкамлаб қуйилганлигига, жиноят ва фукаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча боскичида ўзаро тортишувни таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг куламли ишлар амалга оширилаётганлигига юкори бахо беришмоқда. Жумладан, улар "Адвокатура тўгрисида" ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий химояси тўгрисида"ги қонунлар билан адвокат хукукий химояси янада кучай-

этилишига қаратилган ислохотларнинг бугунги боскичи талабларидан келиб чиқади. Зеро, илгари Жиноят-процессуал кодексида прокурорнинг суд терговида айблов хулосасини ўкиб эшиттириш бўйича мажбурияти аниқ белгиланмаганлиги боис, айблов хулосаси кўпинча судьялар томонидан ўқиб эшиттирилар эди. Холбуки, айблов хулосасида дастлабки терговда аникланган холатлар ва айбланувчининг шахси тўгрисидаги маълумотлар келтирилади. Шунингдек, унда эълон қилинган айблов мазмуни Жиноят кодексининг мазкур жиноятни назарда тутувчи моддаси ёки моддалари хам кўрсатилган холда баён қилинади. Бу эса, одил судловни амалга оширувчи, ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор булмаган холис суд органларининг вазифа ва максадларига мос келмасди. Давлатимиз рахбари таъкидлаганидек, жиноят-процессуал қонунчилигига юқорида курсатиб ўтилган норманинг киритилиши суднинг мустақиллиги, холислиги ва бегаразлигини таъминлашга, жиноят

килади. Мухтасар айтганда, юқорида тилга олинган қонунлар билан амалга оширилган ислохотлар туфайли суд процессида айбловчи билан химоячининг тенглиги принципи янада мустахкамлангани адвокатларнинг жамиятдаги мавкеини янада юкори пого-

шарт-шароит яратади. Хулоса қилиб айтганда, прокурор ва адвокатнинг процессуал тенг хукуклилиги принципи уларнинг судда процессуал хукук ва мажбуриятлардан бир хил фойдаланишига, одил судловни сифатли, тартибли амалга ошишига, иш юзасидан қонуний, адолатли ва асослантирилган хукм чикарилишига имконият яратади.

> А.ЖУМАЕВ, жиноят ишлари бўйича

процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат

нага кутарди.

Айбловчи ва химоячининг далиллар такдим этиш, уларни тадқиқ этиш ва илтимоснома киритиш борасидаги процессуал тенглиги ишларни кўриш хамда хал қилишда бир ёкламаликка ва субъективликка йўл қўймаслик кафолати бўлиб хизмат қилади хамда хар бир иш юзасидан хакикатни аниклаш учун зарур

Дангара тумани судининг

Qonun ko'magi

### Manthoma MHTM30MM

унга амал қилиш тадбиркорлик ривожининг мухим омилидир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундан ташқари давлатимиз рахбарининг 2011 йил 23 августдаги "Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида"ги қарори билан тасдикланган "Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўгрисида"ги Низомга асосан, адлия идоралари шартномавий-хукукий интизомни мустахкамлаш сохасихўжалик юритувчи субъек-

тларга шартномаларни, энг аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чикариши сохасидаги хўжалик шартномаларини тузишда ва бажаришда хукукий ёрдам кўрсатади; шартномавий-хукукий интизомни мустахкамлаш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар ишлаб чикади ва киритади; хўжалик юритувчи субъектлар, энг аввало, уларнинг мансабдор шахсларини шартнома интизомини бузганлиги учун жавобгарликка тортиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар қўлланиши устидан назорат олиб боради; хужалик юритувчи субъектлар рахбарларининг шартнома интизомига риоя қилиши бўйича масъулиятини ошириш юзасидан иш олиб боради; қишлоқ хужалигида шартномалар тузиш ва бажаришда хўжалик юритувчи субъектларнинг қонунчиликка риоя қилиши устидан назорат олиб боради.

Мазкур вазифаларнинг ижросини ўз вактида ва сифатли таъминлаш максадида адлия идоралари томонидан жойларда доимий равишда хужалик юритувчи субъектларга шартномалар тузилиши ва бажарилишида зарур хукукий ёрдам кўрсатилмокда.

Хусусан, биргина жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида хужалик юритувчи субъектларга тайёрловчи, таъминотчи ва хизмат курсатувчи ташкилотлар билан 513 мингдан зиёд шартномалар тузилишида зарур ташкилий ва хукукий ёрдам

курсатилди. Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда, ҳар йили 10 тадан зиёд намунавий шартнома лойихаси амалдаги конун хужжатлари асосида ишлаб чикилади хамда тарафларнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, тузиш учун тавсия этилади.

Бундан ташқари шартномавий интизомни мустахкамлаш ва шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича мониторинг юритилиши устидан доимий назорат олиб борилмокда. Бу борада тегишли назорат олиб борилиши натижасида шартномалар тузилиши

бўйича 317 мингга яқин, шартномалар бажарилиши бўйича 105,7 мингта қонунбузилиши холатлари аникланди.

Мазкур холатларни бартараф этиш юзасидан давлат органларига 5,8 мингдан ортик огохнома ва такдимнома киритилди. Кўрилган таъсир чоралари натижасида 18 мингта шартнома қайта тузилиб, давлат органларининг 119 та қарор ҳамда ҳужжатлари бекор қилинди. Шунингдек, 1 319 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, шундан 59 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Масалан, Жиззах вилояти адлия бошкармаси томонидан Жиззах тумани ободонлаштириш бўлимининг фаолиятини ўрганиш давомида мансабдор шахслар томонидан шартномаларни бажариш борасида аникланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 2015 йил 27 августда киритилган такдимномага асосан бошқарманинг бўлим бошлиги Д. Алимова эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Шу билан бирга, айбдор мансабдор шахсларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чикиш юзасидан тегишли идораларга 263 та таклиф киритилди. Хўжалик юритувчи субъектларга шартномавий мажбуриятлар бажарилмаслиги оқибатида етказилган зарарларни ундириб беришга хам алохида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, судларга 9,2 мингта даъво аризаси киритилиб, шундан 6,9 мингтаси қаноатлантирилди. Колган даъво аризалари судлар томонидан куриб чикилмокда. Шунингдек, фермер хўжаликларининг қонуний манфаатлари ва хукукларини химоя килиш буйича хам мунтазам равишда ишлар олиб борилмокда.

Масалан, Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2015 йил 11 сентябрдаги хал қилув қарори билан вилоят адлия бошкармасининг даъво аризаси каноатлантирилиб, "Кушработ Агротехсервис" масъулияти чекланган жамиятидан "Муниса Мавсума орзулари" фермер хўжалиги фойдасига 19,3 миллион сум ижара хаки ундириб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, тарафлар ўртасида тузиладиган ҳар бир хўжалик шартномаси тўлик бажарилиши тегишли хўжалик юритувчи субъектларнинг иктисодий барқарор фаолият юритишини таъминлайди. Бу Конституция ва конунларимиз, бозор иктисодиёти тамойилларининг мухим талаби

эканини унутмайлик. Аъзамжон САРАБЕКОВ, Адлия вазирлиги

бўлим бошлиғи

Jinoyat va jazo

### Kanonnek Mahm Килади

Хаётда умрини бекорчиликда ўтказадиган, на оиласига ва на махалласига нафи тегмайдиган, аксинча, текин бойлик орттиришни касб қилиб олган кимсалар ҳам, афсуски, учраб туради.

Зарнигор икки фарзандини етаклаб, она уйига йўл олди. Мохира ая хам қизи ва набираларини кўриб, дили равшан тортди. Узи шундоғам хорижга ишлашга кетган ўгли Уктамни согинганидан, сикилиб ўтирган эди. Она барибир она-да, гирдикапалак бўлганча, топган-тутганини дастурхонга тукиб, уларни мехмон қилди. Она-бола алламахалгача сухбатлашиб ўтиришгач, кўзларига уйку илина бошлади. Зарнигор фарзандлари билан бир хонада, Мохира ая эса, бошка

Чирчиклик Бекзод Турдиев эндигина 21 ёшни каршилаган, йигитликнинг авжи кирчиллаган палласи, билаги куч-кувватга тўлиб-тошган, тогни урса, талкон кила оладиган даври. Аммо хамма хам бу имкониятдан унумли

этди. Шу асосда амалдаги

Mezon

## Inpramus Ba Tehramk Tamohman

суд жараёнида тўлиқ таъминланмоқда

қонунчилигимизга суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш жараёнининг энг мухим таркибий қисми бўлган адвокатура мустақиллигини янада мустахкамлашга қаратилган бир қатор ўзгартиш ва қушимчалар киритилди.

Ушбу қонун билан Жиноятпроцессуал кодексига киритилган ўзгартишлар химоячига қушимча процессуал имкониятлар берилиши хисобига жиноят процесси тортишувида томонларнинг процессуал хуқуқлари тенглигини таъминлашга қаратилган. Жумладан, химоячига далиллар сифатида фойдаланиши мумкин булган маълумотларни мустақил равишда шахсларни сўровдан ўтказиш орқали уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш, тегишли хужжатлар олиш учун сўровномалар юбориш хамда мутахассисни тушунтириш бериш учун жалб қилиш ҳуқуқи берилди. Бунда химоячининг курсатилган материалларни ишга қушиб қуйиш ҳақидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан албатта, қаноатлантирилиши керак. Бу эса, химоя томон позициясининг сезиларли даражада мустахкамланганини кўрсатади. Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамоқда бўлса, химоячи у билан жиноят ишини юритишга масъул бўлган дав-

остидаги шахс билан учрашиш учун рухсатнома олиш зарурияти белгиланган нормалар қонундан чиқарилди. Бунда химоячининг ваколатини белгилайдиган ва унга ишда иштирок этиш хукукини берувчи хужжатлар адвокатлик гувохномаси ва ордер хисоб-

Хатто гувохга хам жиноят процессида ўз хукук ва конуний манфаатларини химоя қилиш ҳамда зарур юридик ёрдам олиши учун тергов ҳаракатларида адвокат билан иштирок этиш хукуки берил-

Таъкидлаш лозимки, адвокат сўровига жавоб такдим этмасликда ифодаланган адвокатнинг профессионал фаолиятига тускинлик килиш, шунингдек, адвокатнинг ишда иштирок этишига тускинлик қилиш ёки ишонч билдирувчи шахс (химоя остидаги шахс) манфаатларига зид бўлган вазиятни мажбуран эгаллашига эришиш мақсадида адвокатга қандай бўлмасин таъсир ўтказиш учун маъмурий жавобгарлик белгилаб

куйилди. Юртимизда прокурор ва адвокат тенглиги тамойили амалда тўлик таъминланмокда. Мухими, ушбу йўналишдаги ишларни такомиллаштириб боришга алохида эъти-

бор қаратилмоқда. Бугунги кунда халқаро экспертлар Узбекистонда прокурор ва адвокат тенглигининг

тирилгани халқаро ҳуқуқ нормаларига хар томонлама мос келишини таъкидламокда.

Бундан ташқари янги тахрирдаги "Прокуратура тўгрисида"ги қонунда назарда тутилган прокуратура органлари фаолиятининг ташкилийхукукий асосларини ислох қилиш суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштиришнинг мухим боскичларидан бири хисобланади. Ушбу қонунга мувофик, фукаролар прокурор назорати объектидан чикарилди ва конунлар ижроси устидан назорат олиб бориш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналиши этиб белгиланди. Бу прокуратура органларининг фукароларнинг хукук ва эркинликларини мухофаза қилиш механизмидаги ўрни кучайтирилганлигидан далолат беради.

Айтиш керакки, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофик, Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига "биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини факат прокурор зиммасига юклаш"ни назарда тутадиган янги норма киритилди. Бу эса, суд мустақиллигини янада мустахкамлаш, одил судлов самарадорлигини янада оширишга ва энг мухими, жиноят процессида ўзаро тортишув принципига тўлик риоя

#### Saboq

# Ноконуний текширувчи жазосиз колмайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жорий йилнинг сентябрь ойида аникланган холатлар тахлилига назар ташласак, Тошкент шахрининг Учтепа ва Миробод туманлари давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари ходимлари Д. Қосимова, Х.Олимбоева, О.Эшмухамедов ва А.Тожиниёзова тадбиркорлик субъектларида ноконуний текшириш ўтказган. Бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Со**гликни** саклаш вазирлигига такдимнома киритилган. Қонунбузи-

лишига йўл қўйган бу шахслар

эгаллаб турган лавозимларидан озод этилган.

Қул остидаги ходимларнинг фаолиятини назорат қилмаганликлари оқибатида ноқонуний текшириш ўтказилишига шароит яратиб бергани учун Тошкент шахар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан Учтепа тумани маркази бош врачи Н.Саидовага нисбатан ўртача ойлик иш хакининг ўттиз фоизи микдорида жарима жазоси тайинланди. Миробод тумани маркази бош врачи Ж.Вохидов ва Яккасарой тумани маркази бош врачи Ф.Бо-

зоровга "хайфсан" интизомий жазоси қўлланилди.

Андижон тумани ички ишлар бўлими ёнгин хавфсизлиги бўлинмаси бошлиги Н.Олимов хам тадбиркор фаолиятини ноконуний текширган. Бу ҳақда Ички ишлар вазирлигига киритилган тақдимномага асосан хукукбузарга "қаттиқ ҳайфсан" интизомий жазоси берилган.

Тошкент шахар табиатни мухофаза қилиш тузилмаларининг тегишли буйруклари асосида А.Рейимов, М.Сейитов, А.Рузиев ноконуний тек-

шириш ўтказилишига йўл қўйган. Табиатни мухофаза килиш давлат қумитасига киритилган тақдимномага мувофик уларга "хайфсан" интизомий жазоси қулланилган.

Мазкур ишчи гурух ташкил этилганига беш ойдан кўпрок вакт ўтди. Шу даврда ноконуний текшириш ўтказган назорат органларининг 49 нафар ходими жавобгарликка тортилди.

Бир сўз билан айтганда, тад-Қорақалпогистон Республикаси ва биркорга нохолис кўз билан қараганларга, уларга халақит берганларга жазо муқаррар.

Норгул АБДУРАИМОВА,

ЎЗА мухбири

## CUMUCTEBMON KUNHU

### қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

Сўнг корхонада банкдан олинган кредит маблаги эвазига чинни буюмлар ишлаб чикариш учун технологиялар сотиб олади.

Четдан қараған кишига Б. Ибрагимов тадбиркорлик фаолияти билан астойдил шуғулланишга бел боғлагандек таассурот уйготади. Бирок у бор-йўги олти ойгина фаолият юритади. Кейин эса, банкдан олинган кредит маблағи эвазига сотиб олинган технологияларни хам сотиб юборадида, пулларни ўз эхтиёжига сарфлайди.

Буёқда эса, банкдан олинган кредит маблағи хам, унга хисобланган фоизлар ҳам тўланмай қолиб кетади. Шу боис Миллий банкнинг Риштон туман бўлими "Рангли бўёқ" хусусий фирмаси хисобидан кредит тариқасида олинган 80 миллион сўм асосий қарзи ва 14 миллион 177 минг сум кредит фоизини ундириш хамда кредит шартномасини олдиндан бекор қилиш буйича Фаргона вилоят хужалик судига даъво ариза билан мурожаат қилади. Вилоят хўжалик суди кредит қарздорлигини ундиришни гаровдаги бино ва ишоотларга қаратиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради.

Айтиш керакки, Б.Ибрагимовнинг килмишлари факат юкорида баён этилганлардан иборат эмас. Балки у М. Маърупованинг ишончига кириб, уни хам чув туширади. Аникрок айтганда, у М.Маърупованинг номидаги "BMW-5201" русумли автомашинани пулини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан 17 000 АҚШ долларига сотиб олади-да,

дархол бошка кишига сотиб юборади. Аммо сотилган автомашинанинг пулини М. Маъруповага бермайди. Орадан бир йил ўтгач,

М. Маърупова автомашинанинг пулини сўраганда, у эртага бераман, индин бераман, дея алдашдан нарига ўтмайди.

Шундан сўнг Б. Ибрагимовнинг хатти-харакатлари М. Маърупованинг кўнглида шубха уйготади ва у хусусий корхона фаолияти буйича хисобот беришни талаб қилади. Аммо Б.Ибрагимов хисобот беришни пайсалга солиб, М.Маъруповадан ўзини олиб қочади.

Охир-окибат М.Маърупова хукукни мухофаза килиш идорасига ариза билан мурожаат қилгач, Б.Ибрагимовнинг барча қилмишла-

ри ошкор булди. Айтиш керакки, хукукни

мухофаза қилувчи идора томонидан олиб борилган суриштирув ва тергов ишлари натижасида Б.Ибрагимов Жиноят кодексининг 168-моддаси 3 кисми "а" банди ва 228-моддаси 3кисми билан айбдор деб топилди.

Жиноят ишлари бўйича Бешарик туман суди Б.Ибрагимовга тегишли жиноят ишини атрофлича ўрганиб чикиб, килмишига яраша қонуний жазо тайинлади.

Юкорида баён этилганлардан хам кўринадики, фирибгарлик жинояти мулк дахлсизлигига путур етказиш, ўзаро ишончдан ғаразли максадларда фойдаланиш каби окибатлари би-

лан хавфли саналади. Фуркат СОБИРОВ, жиноят ишлари бўйича Бешариқ тумани судининг раиси

хонага кириб уйкуга кетишди. Аммо... бу тунда ўзларини қандай хатар кутаётганидан улар бехабар эдилар.

фойдалана олмас экан.

(Давоми туртинчи бетда)

#### Диккат, танлов!

Узбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, амалга оширилаёттан демократик, социал-иқтисодий, сиёсий**хукукий ислохотларни янада чукурлаштириш жараёнини** босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида" мавзуидаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фукаролик жамиятининг бошка институтларини қўллабқувватлаш жамоат фонди кўмагида ўтказилади.

## WUDHAMMGT HULOKUYan

Танлов шартлари

Танловга 2015 йилнинг 1 январидан 2015 йилнинг 1 декабригача республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон килинган, Инсон хуқуқлари буйича умумжахон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-мохияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини химоя килишни таъминлаш, шахсни хар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фукаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иктисодий, сиёсий-хукукий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-тахлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга такдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган булиши лозим.

Такдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон килинган босма ёки интернет нашри аник курса-

тилган электрон ва босма нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада такдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўгрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўгрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади. Танловга тақдим этилган ижодий ишлар қайтарилмайди.

#### Танлов голибларига мукофотлар

**Голиблар диплом ва ком**пьютер жамланмаси, телевизор, планшет ва бошка кимматбахо совгалар билан такдирланади.

Материаллар «Инсон хукуклари журналист нигохида» мавзуидаги ижодий танловга» деган қайд билан Узбекистон мустакил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қуллабкувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2015 йил 4 декабрга қадар қуйидаги манзилга жунатилади:

**Тошкент** шахри — 100129, Навоий кучаси 30-уй, 2-қават, 45-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: fonduz@umail.uz. Ташкилий қумита

Maslahat

### даражаси Кариндошлик

#### қандай тартибда белгиланади?

Амалдаги Оила кодексининг 57-моддасида қариндошлик хакида фикр юритилган. Унга кўра, бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар хисобланади. Икки шахс ўртасидаги тўгри шажара бўйича қариндошликнинг якинлиги кариндошлик даражаси, яъни тугилиш сони билан белгиланади.

Болалар ота-онасига нисбатан тўгри шажарадаги биринчи, невара бобосига, бувисига нисбатан -- иккинчи, эвара катта бобосига, катта бувисига нисбатан — учинчи даражадаги қариндош хи-

собланади. Ака-ука, опа-сингил, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука ва опа-сингиллари хамда уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука хамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён шажара бўйича қариндошлар хисобланади.

Тўгри шажара бўйича қариндошлар ён шажара бўйича қариндошларга нисбатан якинрокдир.

Икки шахс ўртасида қариндошликнинг узок-якинлигини аниклашда, даражаларнинг сони ёки шу шахслардан бирининг ўзини хисобга қушмай туриб, ундан келиб чиккан авлодлар сони хисобга олинади.

Хисоб аждодлар томон тўгри шажара бўйича улар учун умумий бўлган шахсга (аждодга) қараб ва ундан эса, авлодлар томон - улардан бошқасига қараб олиб борилади.

Тугишган ака-ука ва опасингил қариндошликнинг иккинчи даражасида, тога ва амаки, амма ва хола ўз жиянлари билан қариндошликнинг -- учинчи, тогавачча, амакивачча, аммавачча ва холаваччалар эса — тўртинчи даражасида турадилар.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 58-моддасида ёт аралашмаган ва ёт аралашган қариндошлик ҳақида сўз юритилган. Унга кўра, ака-ука ва опа-сингиллар ёт аралашмаган ва ёт аралашган қариндош булиши мумкин. Ака-ука ва опа-сингиллар бир ота-онадан келиб чиққан бўлса, ёт аралашмаган, ота бир она бошка ёки аксинча, она бир ота бошқа булса, ёт аралашған қариндош хисобланади. Ет аралашмаган қариндошликда ака-ука ва опа-сингиллар туғишган, ёт аралашган қариндошликда эса, ака-ука ва опасингиллар ўгай хисобланади.

Эр-хотиннинг илгариги никохларидан бўлган болалари ўзаро қариндош хисоблан-

> Султон ХОЛИКОВ, Олий суд катта консультанти

<u>Iftixor</u>

# Мистакиллигимиз ва озодлигимизнинг

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Давлатимиз байроги Президент девони, Олий Мажлис палаталари, Хукумат биноси, махаллий бошкарув идоралари, Узбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва савдо ваколатхоналари, консуллик муассасаларида хилпираб турибди.

Президентимизнинг хорижий давлатларга расмий ташрифлари давомида байрогимиз ўша мамлакат кўчаларини безайди. Турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз делегациялари қатнашаётган халқаро тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимиз шарафи, халқимизнинг ғурур ва ифтихорини акс эттирадиган омиллардан бири хам айнан байрогимиздир.

Миллийлигимиз, шаънимиз, ғуруримиз бўлган байрогимиз тимсолида миллатлараро багрикенглик, маънавий-маданий мерос, миллий қадриятлар, келажакка бўлган ишонч мужассам. Шу боис ёшларимиз турли сохаларда эришаётган ютуклари асосида эртанги кунга ишонч билан юртимиз байрогини баланд ва мардонавор кутармокда.

Айникса, халкаро микёсдаги мусобақаларда ғалаба қозонган спортчиларимиз давлатимиз байрогини баланд кўтариб, голиблик нашидасини суришини қувонч ва ифтихор билан кўп бор кузатганмиз. Бинобарин, Давлат байроги спортчиларимизга доимо куч-кудрат, жасорат бахш этади.

Давлатимиз байрогидаги хар қайси ранг, хар бир белги чукур маъно-мазмунга эга. Улар миллий давлатчилигимиз тарихидаги эзгу ифодаларни, айни пайтда мамлакатимизнинг табиий, миллий ва маънавий хусусиятларини мужассам этган. "Узбекистон Республикасининг Давлат байроги тўгрисида"ги

Кунларнинг бирида Чирчик

дехкон бозорида ўзидан тўрт

ёш катта, муқаддам судлан-

ган, ўзига ўхшаб бекорчилик-

нинг этагидан тутган Даврон

Рихсиевни кўриб, беихтиёр

хурсанд бўлиб кетди. Икков-

лон бироз сухбатлашгач, те-

лефон ракамларини алма-

нидан хурсанд булиши бе-

жизга эмас эди. Дастлабки

учрашувларидан икки-уч кун

ўтгач, улар яна юзма-юз кў-

ришганларида мақсадга куч-

- Мен бир ишни режа-

лаштириб юргандим, факат

бир ўзим уддалолмайман, —

дудмалланиб гап бошлади

— Чайналмасдан мақсадга

Хуллас, Бекзод ўзи билан

чет элда бирга ишлагани бор-

ган махалладоши Уктамнинг

яхши ишлаб, уйига кўп пул

жунатганини, унинг уйини ту-

нашса, анча-мунча бойлик

орттиришлари мумкинлиги-

ни, бунинг учун шерик булиш

таклифини билдирди. Худди

шуни кутиб ўтиргандек, Дав-

рон хам дарров рози булди.

Келишилганидек, 2014 йил

27 ноябрдан 28 ноябрга ўтар

кечаси тунги соат 2 ларда

Бекзод ва Даврон Мохира

аянинг уйи олдига келиб,

қоп-қора ниқоб ва қулқопла-

рини кийишди. Сўнг ховлига

киришди. Хонадон эшиги

кулфланган экан. Шунда Бек-

зод бор кучи билан тортган

эди, эшик қулфи очилиб кет-

ди. Улар тезликда ўзларини

Мехмонхонага якинлашаё-

ичкарига уришди.

ўтавер, — ниманингдир иси-

ни сезиб, совук тиржайди

Даврон.

Бекзод Давронни учратга-

шиб, тарқалишди.

қонунда миллий тимсолимизни тасвирлаш ва ўрнатишга оид рангли-схематик тартиблар белгиланган.

Байрокдаги мовий ранг — мусаффо осмон ва тиник сув, еру кўкдаги ҳаёт манбалари ифодаси. Оқ ранг тинчлик ва поклик рамзи сифатида халкимиз забт этадиган довонларга йўл очади. Яшариш ва янгиланиш тимсоли бўлган яшил ранг юртимизнинг гўзал табиатига қиёсдир. Қизил чизиқлар эса, томиримизда жушиб оқаётган аждодлар қони – ҳаётий қудрат ва бардавомлик ифо-

Янги ой юртимиздаги тинчлик ва фаровонликни, айни пайтда давлатчилигимиз тарихида янги давр бошланганини акс эттиради. Унинг ёнида саф тортган 12 юлдуз бегуборлик, мукаммаллик, донишмандлик ифодасидир.

Давлат рамзлари мукаддаслигини, улар бизга элу юрт манфаати барча нарсадан устунлигини англатиб, эслатиб туришини ҳар биримиз, айниқса, ёш авлод доимо ёдда тутиши лозим. Байроғимизни эъзозлаш фуқароларда ўз мамлакатига ва келажакка бўлган ишончни мустахкамлайди. Байрогимизнинг баландлиги юртимизнинг обру-нуфузи юксаклигидан далолатдир.

Мухтасар айтганда, давлатимиз байроги — мустақил давлат фукароларининг эркинлиги ифодаси, халқимизнинг шон-шарафи, азалий орзу-истаклари, эзгу интилишлари, маънавий-маданий мероси, миллий қадриятларини мужассам этган муқаддас тимсолдир. Шу маънода, бошка рамзлар сингари Давлат байроги хам тинч ва осойишта хаётимиз, фаровон турмушимиз, порлок келажагимиз рамзидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

> Бобомурод РАЙИМОВ, "Куч — адолатда" мухбири

Jinoyat va jazo (Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

#### Бекзод болалигидан ўз ол-Халоллик дига аниқ мақсад қуймади, коллежни нари-бери тугатди-ю, бекорчиликни, саёк юришни одат килди. Ота-она килади хам ўглининг хунар ўрганишини, фойдали мехнат билан шуғулланиши кераклигини эътибордан четда қолдириш-

тиб, Бекзод айвондаги жавон устида турган "Samsung Galaxy Note" русумли телефон аппаратини кўриб, уни дархол чўнтагига солди. Бу орада эшикнинг қаттиқ очилганидан Зарнигор уйгониб кетган эди. У гап нимадалигини тушуниб улгурмай, хонанинг эшиги секин очилди ва қора никобли кишилар бостириб киришди.

— Пул қаерда?! — сўради Бекзод унга дўқ қилиб.

 Илтимос, факат болаларимга тегманг, мана, бори шу, — дея Бекзоднинг қулига сумкачасидан 55 минг сумни олиб тутказди Зарнигор.

Бу вактда Даврон Мохира ая ухлаб ётган хонага кириб, аёлнинг бошига қўлидаги омбур билан урди-да, пул топиб беришини, акс холда, унинг куз олдида кизи ва набираларини кийнашини айтиб, қурқитди.

— Менда пул йўқ, мана буни олинг, мана, мана, қулоғидаги тилла зирагини ечиб тутқазди Мохира ая дир-дир титраганча.

Шундан сўнг боскинчилар икки ожиза ва болаларни олиб чикиб, бир хонага қамашди. Аввал уларнинг оёққулларини махкам боғлашиб, кейин кузларига "скотч" епиштиришди. Сўнг хаммаёкни ағдар-тўнтар қилиб, пул қидиришди. Қисқаси, шу куни боскинчилар жами 180 минг сўм, 1 900 АҚШ доллари, тилла занжир, беш донадан тилла узук, тилла зирак, жами 14 миллион 353 минг 906 сўмлик моддий бойликларни қулга киритиб, куздан

гойиб бўлишди. Тахлика ва қурқувда қолган хонадон эгалари бир амаллаб оёк-кўлларини ечишгач, қушниларни ёрдамга чақиришди. Уларнинг кумаги билан дархол туман ички ишлар бўлимига хабар берилди.

Емонликнинг умри киска бўлади. Жиноятчилар Бекзод Турдиев ва Даврон Рихсиевнинг жиноятлари фош бўлиб, тез орада қўлга олинди. Суд хайъати судланувчиларнинг харакатларига хукукий бахо бериб, дастлабки тергов органлари томонидан Бекзод Турдиев ва Даврон Рихсиевнинг содир этган жиноий қилмиши Жиноят кодексининг 164-моддаси (боскинчилик) 3-кисми "в" банди билан тўгри квалификация қилинган, деб хисоблади.

Суд уларга нисбатан жазо тайинлашда айбига икрорлиги, жабрланувчига етказилган моддий зарар ўрни қисман қопланганлиги, шунингдек, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, яъни улар гаразли ва шум ниятда бойлик орттириш мақсадида ўта оғир жиноятга қул урганлигини инобатга олди. Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўгрисида"ги қарорига қатьий амал қилган ҳолда, уларнинг хар бирига нисбатан 10 йил муддатга озодликдан махрум қилиш жазоси тайин-

Хаётда нопоклик хеч қачон кишини яхшиликка олиб бормаган. Халолликкина умрбокийдир ва унинг окибати хамиша эзгулик билан тугай-

Хуршид ХАЛИКОВ, жиноят ишлари бўйича **Кибрай тумани** судининг судьяси Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, "Куч — адолатда" мухбири

Garoyib olam

Одатда, китлар ҳақида гап кетса, олимлар унинг вазни ўттиз тоннадан ошишини айтишади. Хайбатда кит билан тенглаша олмаса-да, қуруқликда фил шундай улкан жонзот хисобланади. Ва, қизиғи, бу ҳайвон йиртқичлар тоифасига кирмайди.

### Бизбилган ва Gumarah Ayhë



### КУРУКЛИКДАГИ ЭНГ йирик жонзот

Филлар ҳақида сўз очилса, аввало, каттакон шалпангқулоқ, узун дандон тиш, ундан ҳам узунроқ хартумга эга кулранг улкан махлуқ кўз ўнгингизда гавдаланади.

Бизгача бўлган эрадан то ўн минг йил олдинги давргача хартумлиларнинг улкан тўдаси — фил, мамонт, мастодонтлар ер юзи бўйлаб жуда кенг тарқалган. Лекин бугунги кунга келиб улардан икки хил — Африка ва Хиндистон филларигина яшаб қолган. Африка филлари — саванна ва ўрмонда яшовчи турларга бўлинади. Улар гарчанд тузилишига кўра, бир-бирига жуда ўхшаса-да, бирмунча фарки хам бор. Африка саванна филлари Хиндистонникидан анча йирик, елкалари кенг, узунлиги қарийб тўрт метрга боради, огирлиги эса, 6-7 тоннага етади. Хиндистон филлари саванна филларидан кичикрок бўлса-да, ўрмон филларидан катта: узунлиги 3,5 метр, вазни 5 тоннадир.

Африка филлари қулоқларининг қоралиги билан ажралиб туради.

Дандон тишлар филнинг бошқа озиқ тишларидан кам хизмат қилмайди. Бундан ташқари улар филнинг химоя воситаси, сув кидиришда асқотувчи ва турли катталик, огирликдаги нарсаларни ердан кўтариб олишга ёрдам берувчи мухим тан аъзоси хисобланади. Одамлар каби фил хам ўнгай ва чапақайларга бўлинади, бу унинг ўнг ёки чап тишини кўпрок ишлатишида кўринади. Хар бир филнинг тиши фақат ўзигагина хосдир, улар катталиги, қайрилиш бурчагига кўра хам фаркланиб туради.

Дандон тишидан ташқари, филнинг яна тўртта қозиқ тиши бўлиб, хар бирининг огирлиги 2,3 кг. келади. Катталиги хам пишган ғишт хажмидан кичик эмас. Хаёти давомида филларда ушбу тишлар олти марта тушиб, қайтадан чиқади. Филнинг ёши улгайган сари тишлари ўта сезгир бўлиб қолади, улар ботқоқларга кетиб, бирмунча юмшок ўсимликлар қидира бошлашади. Бу ерда хаётларининг сўнгги кунигача қолиб кетишади.

Филнинг энг кўзга бўртиб кўриниб турадиган жихати, бу — унинг хартумидир. Хартум айни пайтда бурун ва юкори лаб вазифасини хам бажаради. Хайбатли "бурун"ни қирқ мингдан зиёд мушаклар бошқариб туради, шу сабабдан у бир неча тонналик юкни хам хартум ва тишлари кўмагида ердан даст кутара олади.

Филлар териси ўта қаттиқ жонзотлар сирасига киради. Айрим жойлардаги филларнинг тери қалинлиги турт сантиметрга боради. Лекин бу филнинг териси ўта сезувчан эканлигига халал бермайди. Холбуки, энг майда хашоротлар хам унинг тинчини буза олади.

Хиндистон филлари хам худди африкалик қондошларидек бир қанча оилалар тўпланиб, қариндош тўда хосил қилишади. Тўдабоши одатда, ёши катта, тажрибали филдан сайланади. Гурух бошлиги гурухнинг хаёт тарзини белгилаб беради, хатто тушлик вакти, дам олиш, овқатланиш жойини ўзгартириш хам унинг измидадир.

Кизиги, "бола тарбияси" билан фақат она филлар шуғулланишади. Бир-бирларига қариндошлик ришталари ила богланиб кетган фил тўдалари қўшни гурухни кўриб қолишса, сув бўйларида хурсанд қарши олади-

Фил аслида одам учун дўст ва хизматкордир. Биргина хинд киносанъаткорларининг "Филлар менинг дўстларим" бадиий филмини эслаш кифоя қилади. "Бобурнома"да филлар зўр жанг арғумоғи, керак бўлса, душман устига ташланадиган хавфли ракиб сифатида таъкидланади. Бесўнакай гавдаси булишига қарамай у инсон қўлида ўйинчоқ, яъни цирк ўйинчиси ролига хам кира олади, одамга ўз мехрини намоён этади. Лекин бари бир у қўй, сигир, эчки, мушук, ит каби уй хайвонига айланолмайди.

Уз жигари учун жон койитадиган ҳайвонлар кўп. Аммо хеч бири филчалик мусибатзада эмас. У бир неча кунлар мобайнида ўлган боласи, онаси ё жигари учун ғам чекиб, "туз тотмай" юриши мумкин. Халок бўлган якинини хеч унутолмайди. Шер, йўлбарс, қоплон, бўри билан жангларда фил ярадор ёки ўлган яқини учун қаттиқ қасос олиши мумкин.

Инсон мехрини фил жуда нозик хис килади. Бирок ўзаро мулокотларда улар чиқарадиган товуш жуда мухим рол ўйнайди. Супра қулоқларини шалоплатиш оркали у бошкаларни хавфдан огох этади. Кичик ва ожиз филларни химоя килиш учун сафга туришга чақиради. Оёғини ерга уриши ва узун-киска товушлар таркатиши эса саккиз чакирим наридаги хавфни сезганини билдиради. Ғайритабиий равишда қорнини қўлдиратиши эса ён-атрофида хавф-хатар йўклигини, дунё осойишта эканини англатади.

Филнинг хар вакт иштахаси карнай. Балогатга етган фил бир кунда юз килодан икки юз килогача тоза ўтўлан, япрок ёки мевалар билан озиқланади. Шундан сўнг у 120 литргача сув ичиши мумкин. Янги тугилган филчаларга она фил дастлабки кунларданоқ хартумини қандай ишлатишни, овқатланиш, сув йигиш ва танасига пуркашни ургатишга киришади.

Интернет материаллари асосида Оловиддин Собир ўгли тайёрлади.

### Kyu-AMOMATMA

МУАССИС:

Узбекистон Республикаси Олий суди

#### Бош мухаррир: Шодикул ХАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Узбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-ракам билан рўйхатдан ўтган.



### ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Шоюнус ГАЗИЕВ Светлана АРТИКОВА Кучкор TOFAEB Зарифжон МИРЗАКУЛОВ Замира ЭСОНОВА Холмумин ЁДГОРОВ **Faйрат ХИДОЯТОВ** Азиз МИРЗАЕВ Бобомурод РАЙИМОВ Навбатчи мухаррир: Сардор

XAMPOEB Сахифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шахри, Буюк Турон кучаси, 41-уй. Манзилимиз: Тошкент шахри, А. Кодирий кучаси, 1-уй Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54 E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz

Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: Г-1122. Қоғоз бичими: А-2. Хажми: 2 босма табок. Сотувда эркин нархда. Адади: 6626. 4 5 Топшириш вакти: 2000 Топширилди: 2100